



Ishonch

МОҶИЯТ
Ёш қалбларни маърифат ва эзгулик ёғдуси билан мунаввар этадиган, уларни ҳаётга йўллайдиган сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар олдида барчамиз бир умр қарздорлик туйғуси билан яшаймиз.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар! Қадри устозлар! Авваламбор, сиз, азизларни ўқитувчи ва мураббийлар кўни билан чин қалбимдан самимий табриклар, барчангизга ўзининг эзгу тилакларини билдиришдан бахтиёрман.

Биз учун гоёт қадри бўлган ушбу айёмнинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами шуқуҳи давом этаётган шу қутлуг кунларда нишонланаётгани унга алоҳида кўтаринки руҳ ва тароват бағишламоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилиасиз.

Мана, 15 йилдирки, мамлакатимизда 1 октябр санаси — ўқитувчи ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Юртимизда дунёда камдан-кам учрайдиган ана шундай байрамнинг таъсис этилиши, ҳеч шубҳасиз, биринчи навбатда маънавий юксалишнинг асосий гарови ва мезони бўлган зийлиларимизга, уларнинг энг катта ва фаол қисмини ташкил этадиган минг-минглаб жонқуяр ўқитувчи ва муаллимлар, устоз ва домлаларнинг Ўзбекистонимизнинг бугунги тараққиётига қўшаётган улкан ҳиссасини эътироф этиб, уларга нисбатан чўқур ҳурмат ва эҳтиромимизнинг амалий ифодаси, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Мен жойларда жамоатчилик вакиллари, фаолларимиз билан суҳбат ва мулоқотларда бўлганимда, «Дунё иморатларининг энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг энг улуғи ўқитувчиликдир» деган теран маъноли ибора халқимиз ўртасида кенг тарқалиб бораётганига гувоҳ бўлман. Энг муҳими, ҳаётимиз ҳақиқати айланган бу сўзлар юртимизда маърифат аҳлининг шарафли меҳнати тобора қадр ва эътибор топаётганини акс эттириши билан кўнглимиз қатори менга ҳам мамнуният бағишлайди.

Шу маънода, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудратини ошириш йўлидаги самарали фаолияти учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган барча соҳа ва тармоқлар вакиллари орасида бугунги кунимиз ва келажакимизни ҳал қиладиган таълим-тарбия соҳасини замон талаблари даражасига кўтарадиган, ўз мустақил фикри, ўз дунёқарашига эга, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказадиган фидойи зотлар — ўқитувчи ва мураббийлар ақсарий кўпчилигини ташкил этишини шахсан мен табиий бир ҳол, деб биламан.

Маълумки, Ўзбекистонимизда амалга оширилётган, дунё таърибасида ўқшани кам бўлган миллий таълим модели ҳозирги кунда қандай юксак натижалар бераётганини, ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га олиб келаётганини нафақат юртимиз аҳли, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам ҳақли равишда эътироф этмоқда.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан 12 йиллик узлуксиз таълимга асос солингани, унинг пойдевори бўлиши умумтаълим мактаблари, ўғил-қизларимизга замонавий билим ва касб-ҳунар ўргатиб, ҳаётга йўлланма берадиган коллежлар, академик лицейларни ўзида мужассам этган янги тизимни тўлиқ жорий этганимиз ўзининг амалий самараси билан юртимиз раванглига беқуб ҳисса қўшмоқда. Бу, ўз навбатида, биз танлаган таълим ва тарбия моделининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини яққол тасдиқлаб бермоқда.

Шу борада Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури доирасида 8832 та мактабда қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилгани, 1537 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи барпо этилгани, истиқлол йилларида илм-фан сирлари ва замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган, юксак малакали кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув юртлари сонини салкам икки баробар кўпайтиб, 65 тага етгани бизнинг бу соҳада ўзгалар ҳавас қиладиган улкан марраларга эришганимиздан далолат беради.

Таълим соҳасидаги ислохотларимизнинг ажралмас қисми бўлиб ҳаётимиздан чўқур жой олган дастур ва режаларимиз қаторида юртимизда мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган ишларимиз бугунги кунда ўзининг дастлабки ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизни аялбатта хурсанд қилади.

Бунинг тасдиғини кейинги ўн йил мобайнида ўқувчиларимиз мустақил Ўзбекистон вакиллари сифатида халқаро фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, 150 дан зиёд олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритгани, нуфузли санъат фестиваллари ва танловларида 670 дан ортиқ соҳибқиринли ўринларни эгаллагани, халқаро спорт мусобақаларида эса 1280 та олтин, 1170 та кумуш ва 1590 та бронза медал соҳиб бўлгани мисолларида яққол кўриш мумкин.

Барчамизга яхши аёнки, ҳозирги кунда таълим жараёнларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу мақсадда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилиб, мультимедиа воситалари, ўқув адабиётлари ва кўланмаларининг электрон вариантларини яратиш ишлари йўлга қўйилгани,

барча мактабларимиз «ZiyoNET» тармоғига улангани ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тараққиёт, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш, уларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мана шундай янги, замонавий таълим тизimini яратиш учун давлатимиз томонидан жуда катта маблағ ва куч-имкониятлар сарфланаётгани, уларнинг ҳажми ва миқдори йилдан-йилга ошиб бораётгани барчамизга баланд руҳ бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда болалар спортини иншоотларини янги жиҳоз ва анжомлар билан таъминлаш дастурининг 2012 йилга мўлжалланган асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида яқинда қабул қилинган қарорга биноан келгуси йилда айти шу мақсадлар учун 527 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлаш кўзда тутилаётгани амалга оширадиган ишларимизнинг кўлами ва миқдосини аниқ кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, уларни замонавий асосда жиҳозлаш, кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчи ва домлалар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ яқин келгусида бу борада 300 миллиард сўм миқдоридagi маблағни йўналтириш режалаштирилган. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси Ўзбекистон таълим тизимини янги, юксак босқичга кўтариш йўлидаги яна бир улкан қадам бўлиши мумкин, албатта.

Азиз юртдошлар! Мамлакатимиз олдида турган, бутун халқимиз қалби, онгу шуури билан англаб етаётган мақсад-вазифалар — дунёдаги тараққий толган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида ҳаммамиз бир ҳақиқатни чўқур тушуниб олишимизни истардим: замонавий қиёфага эга бўлган обод қишлоқ ва шаҳарларни барпо этиш мумкин, иқтисодийёт лоқомотивлари бўлган йирик корхоналарни қуриш, хориздан юксак ва ноб тeхнологияларни олиб келиш мумкин. Лекин аввало буларнинг барчасини бунёд этадиган, уларга бамисоли жон киритадиган ҳаётбахш куч — бу ўз билими ва истеъдодига, куч-қудратига суянган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, бугун ҳаётга дадил кириб бораётган янги, навқирон авлодимиз, бизнинг фарзандларимиз, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шундай авлодни тарбиялашдек ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган буюк вазифани ўз зиммасига олган, бу йўлда ўзини аямасдан меҳнат қилаётган сиз, фидойи ўқитувчи ва мураббийларга ҳар қачна тасанно айтсак, таъзим қилсак, арзийди, албатта.

Ҳеч кимга сир эмаски, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бугунги ўта нотинч замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодига муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга қодир бўлади.

Сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз фарзандларимизга замонавий илм-фан ва касб-ҳунар асослари билан бирга, айнан ана шундай юксак туйғу ва фазилатларни сингдириш, маънавий-ахлоқий кадриятларимизни асраб-авайлашда бундан буён ҳам бор куч-гайратингиз, билим ва маҳоратингизни аямасиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, тақрор бўлса-да, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни ўринли деб ҳисоблайман: ёш қалбларни маърифат ва эзгулик ёғдуси билан мунаввар этадиган, уларни ҳаётга йўллайдиган сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар олдида барчамиз бир умр қарздорлик туйғуси билан яшаймиз. Мен давлат раҳбари сифатида, бугунги кунда эришяётган барча-барча ютуқ ва марраларимизда сизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини, мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимиз шухратини дунёга тараннум этишда фидокорона меҳнатингиз пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини чўқур ҳис этадиган инсон сифатида сизларни ўзининг энг яқин қўмақчим, маслакдошим деб биламан ва юксак қадрлайман.

Сизларни қутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу бароқа тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, доимо омон бўлинг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КЎНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол юзларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асослари ва касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ

Қадилов Раҳматилла — Элликқалъа туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Низомов Хурсанмурод Амонович —

Тайлоқ туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ

Азизова Муборак Яхъевна — Олмазор туманидаги 298-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри
Азизова Узрниса Абдулахатовна — Олтинқул туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Андижон вилояти
Наврозова Гулнора Рузимовна — Ҳазорасп туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ

Бозоров Садиллаҳон Хайруллаевич — Чуст саноат, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти
Давлатова Раҳима Урунбаевна — Охангарон туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти
Недикова Валентина Анатольевна — Фарғона шаҳридаги болалар ва ўсмирлар олимпиа захиралари спорт мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

(Давоми 3-бетда)

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 30 сентябр кўни Наманган ва Андижон вилоятларида бўлди

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бераётган юксак натижалар Наманган вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Наманган аҳли юртимизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар ва янгиланишларда фаол иштирок этиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, маънавий-маданий ҳаётимизни янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида янги худудий маҳсулот ҳажмининг ўсиши 12,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда барқарор ўсиш суръати таъминланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов вилоятта сафарини Наманган туманидаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини худудда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган ўй-жойлар билан танишишдан бошлади. Мамлакатимизда ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ўзгариш ва ислохотлар замирида аввало инсон манфаати, унинг орав-умидлари, эзгу ниятларини рўёбга чиқаришдек хайрли мақсад мужассамдир. Юртимизда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қишлоқ аҳолисининг турар-жой шaroитларини тубдан яхшилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, зарур ижтимоий инфратузилмани яратиш борасида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган дастурлар ҳам айти шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда ўй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 8 сентябрда

имзоланган «Қишлоқ жойларда ўй-жойларни лойиҳалаштиришнинг такомиллаштириш ва қурилиши яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари асосида Наманган вилоятида 2010 йилда намунавий лойиҳалар асосида 500 замонавий турар-жой барпо этилди.

Жорий йилда эса 32 массивда 555 ана шундай ўй-жой қурилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 206 янги турар-жой фойдаланишга топширилди.

Наманган туманидаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини худудда барпо этилган 60 замонавий ўй-жойлар эгалари истиқолимининг 20 йиллик байрами арафасида янги хонадонларга кўчиб ўтди. Ушбу янги массивда, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилди. Айти пайтда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, минимаркет, компютер хизматлари кўрсатувчи шохобча, телерадио жиҳозларини тўзатиш устaxonаси, гўзаллик салони, тикувчилик цехи, минибанк каби аҳолининг зарур эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилувчи объектлар ҳам бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбари намунавий лойиҳалар асосида янги ўй-жойлар қуриш масаласига комплекс ёндашиш, бундай янги қишлоқларда аҳолининг эҳтиёжларини, узок истиқболчи ҳисобга олган ҳолда мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданий-маиший объектлар қуришга алоҳида эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда)

Форум

Бахтиёр болалар мамлақати

Янгича ёндашув: ёзги соғломлаштириш ишларини тизимли ташкил этамиз. Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотчилари Форумида шундай хулосага келинди.



А. КЕНЖАЕВ олган сурат

Дунёда бола кулгусидан-да гўзал, беғубор нарсани топиш мумкин. Мурғак дилларга қувонч улаштириш, уларнинг онгу шуурида эзгулик ниҳолини экишдан ортиқ савоб йўқ. Ҳар бир болада юксак истеъдод, ноёб иқтидор яширин. Уни юзага чиқариш эса эътибор ва синчковликни талаб этади.

Мамлакатимиз ҳукумати, Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика комиссияси ҳамда

мувофиқлаштирувчи гуруҳлар томонидан бу йил ёзги мавсумнинг ҳар томонлама намунави ва уюшқоқлик билан шуурида эзгулик ниҳолини экишдан ортиқ савоб йўқ. Ҳар бир болада юксак истеъдод, ноёб иқтидор яширин. Уни юзага чиқариш эса эътибор ва синчковликни талаб этади.

Мамлакатимиз ҳукумати, Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика комиссияси ҳамда

ришда кенг ва узун залнинг ҳар икки тарафида барча вилоят оромгоҳлари фаолиятдан сўзловчи кўргазма, айниқса, йилгиланларда катта таассурот қолдирди. Болалар томонидан яратилган буюмлар жажжи қалб ҳароратини улашгандек бўлади. Бунда мавсум давомида оромгоҳларда фаолият юритадиган тўғарақларнинг хизмати катта. Жумладан, каштачилик, қандакорлик, ҳайкалтарошлик, зардўзлик, кўғирчоқ

(Давоми 8-бетда)

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз янги лойиҳада уй-жой қурилиши учун ажратилган ер майдони 4 сотихдан 6 сотихга кўпайтирилгани, автомобилли учун алоҳида дарвоза ва уни сақлаш учун махсус айвон қўзда тутилгани, хоналар халқимизнинг меъналик ва турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилгани ҳамда улар майдони кенгайгани одамларимизнинг талаб ва истакларига жавоб беришини қайд этди.

Ислоҳ Каримов янги уй соҳибларидан бири — Зокиржон Ғозиев хонадонда бўлиб, янги, тақомиллаштирилган лойиҳа асосида қурилган ана шундай уй-жой, бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди, хонадон соҳибларининг ҳаёти, орзу-истаклари билан қизиқди.

— Илгарилари бундай уйларида яшашни фақат орзу қилиш мумкин эди, — деди хонадон соҳибаси Муҳаммад Ғозиев. — Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида мана шундай замонавий, кўркам уйга кўчиб ўтдик. Бундай юксак гамжўрлик, кишлоқ аҳлига кўрсатаётган доимий эътиборингиз учун Сиздан жуда миннатдорим.

Ислоҳ Каримов кишлоқ аҳли ҳеч қандам кам бўлмаган яшашга ҳақли ва бу йўлда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ҳамда мунтазам тақомиллаштириб бориш доимий эътибор марказида туриши лозимлигини таъкидлади.

— Янги уй-жойларни пухта лойиҳа асосида шундай мустаҳкам қурайликки, бундай уйларида келгуси авлодлар ҳам роҳат-фароғатда ҳаёт кечирсин, — деди Юртбошимиз. — Фаровон ҳаёт одамларимизнинг умумий турмуш маданияти, маънавиятининг янада юксалишига хизмат қилади. Зеро, изчиллик билан амалга оширилаётган ишларнинг мизининг пировард мақсади ҳам аввало халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборатдир.

Ислоҳ Каримов Наманган туманидаги «Барака» фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан суҳбатлашди. Мулоқот чоғида Президентимиз фермерлик ҳаракати давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётига ҳам муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади.

Давлатимиз томонидан кишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар самарасини «Барака» фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Фермер хўжалигида жорий йилда 30 гектар ерга экилган галадан ўртача 67 центнердан ҳосил олинди. Хўжаликнинг 31,7 гектар пахта майдонида ҳам юқори ҳосил етиштирилди.

Фермер хўжалигидаги биологик лабораторияда кўсақ кўртига қарши габроброн, ўрчимчакана ва ширага қарши олтинқўз ҳамда трихограмма ишлаб чиқаришда ҳамда ҳудуддаги фермер хўжалиқларига етказиб беришмоқда.

— Усимлик зараркундаларига қарши курашишда самарали восита бўлган мазкур лойиҳанинг татбиқ этилиши самарасида хўжалигимиз кўшимча 12 миллион сўм соф фойда олди, саккизта янги иш ўрни яратилди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Исоев. — Кимёвий воситалар ўрнига биологик усулдан фойдаланганда ҳар гектар ердан ўртача 60 минг сўм тежалмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжалигининг ушбу тажрибасини оммалаштириш, биологик усулдан фойдаланиш қасбини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

— Бу борада масаланинг барча жиҳатларини — биологик усулнинг кимёвий воситалардан афзалликлари, харажатларни камайтириш имконини бериши, атроф-муҳит софлигини сақлашдаги аҳамияти ҳамда иқтисодий томондан қай даражада мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиш лозим, — деди Ислоҳ Каримов. — Шу маънода, фермерларга ушбу усулнинг афзалликлари юзасидан кенгроқ маълумот бериш муҳим аҳамиятга эга.

Фермерлар билан суҳбат асосида жорий йилги пахта маъсуминини муваффақиятли яқунлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Барча эзгу ишларимизнинг манбаи — саховатли заминимиздир, — деди Президентимиз. — Ердан самарали фойдаланиш учун барча иқтисодий, ҳуқуқий асослар яратилди. Узоқ йиллар ерга нисбатан истеъмолчилик манфатидан келиб чиқиб қаралгани, агротехник тадбирларга риоя қилинмагани, ирригация иншоотларининг эскиргани экин майдонларининг шўрланганига, ҳосилдорлик пасайиб кетишига олиб келган эди. Шу боис ерларимизни асраб-авайлаш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласига устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Юртбошимиз раҳнамолигида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар кишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган ютуқлардан муҳим омил бўлмоқда.

Маълумки, бир хил пахта навидан узоқ йиллар давомида фойдаланиш унинг сифатига, микронейр (толаннинг текислиги) кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Шу

боис давлатимиз раҳбари пахтачиликда ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитларига мос серҳосил ҳамда сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида тўхталди. Бу борада мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берди. Ерга ишлов беришда амал қилиниши лозим бўлган агротехник тадбирлар, кишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларидан фойдаланишда узоқни қўзлаб иш юритиш лозимлигини қайд этди.

Ислоҳ Каримов далада фидойилик билан меҳнат қилиб, ризқ-рўз ундирётган фермерлар, заҳматқаш деҳқонларимизнинг меҳнатини давлатимиз ҳамisha юксак қадрлашини қайд этди.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламини ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Наманган вилоятида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида 2011 йилнинг биринчи ярмида 1300 дан зиёд кичик корхона ташкил этилди. Хусусан, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган тивувчиликка ихтисослашган корхоналар эришаётган ютуқлар диққатга сазовордир. Бугунги кунда вилоятда «Истиклол», «Ифтихор кийим саноат», «Замин люкс текстил», «Текстиль либос», «Люкс плюс сервис» сингари ўттиздан зиёд корхонада ишлаб чиқарилаётган костюм, пальто, аёллар ва болалар кийимлари каби маҳсулотларга ташқи бозорда ҳам талаб юқори. Наманганда ишлаб чиқарилган жaxon андозаларига мос ва махсус савдо белгиларига эга костюмлар хориж бозорларига турдош маҳсулотлар билан дадил рақобатга киришаётгани барчамизга фахр-ифтихор бахш этди, албатта.

Ислоҳ Каримов Наманган туманидаги «Истиклол» ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишди.

Туманинг Қумқўрғон қишлоғида фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада замонавий технология асосида ўнлаб турдаги костюмлар, куртка, пальтоллар текилмоқда. Корхонанинг йиллик ўртача ишлаб чиқариш қуввати 85 минг дона тивувчилик маҳсулотларини ташкил этади. Корхона томонидан 2010 йилда 1 миллирдан 235 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва унинг салмоқли қисми экспорт қилинди.

— Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишга қаратаётган катта эътибори туфайли саноатнинг бу йўналиши жадал ривожланиб бормоқда, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Умаров. — Маҳсулотларимиз сифати ва дизайни жиҳатидан жaxon андозалари талабларига тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун ҳам бюртмакчиларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Россия, Қозғоғистон ва МДҲнинг бошқа давлатлари билан тузилган шартномаларга асосан маҳсулотларимизни экспорт қилимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2011» куриқ-юшловининг мамлакат босқичида «Истиклол» ишлаб чиқариш корхонаси ўз йўналишида голиб чиқди. Корхона раҳбари Бахтиёр Умаров «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ топилди, давлатимиз раҳбарининг совғаси — «Спарк» автомобили билан тақдирланди.

— Либос — инсон зийнати, — деди Ислоҳ Каримов. — Чиройли кийинган кишининг кайфияти ҳам шунга яраша бўлади, албатта. Бугун халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг кийинишига, кийим танлашга, модага бўлган эътибори, эҳтиजी ва талаби тамомла ўзгарган. Бугунги ёшларимиз гўзалликда, дид билан кийинишда дунёнинг манаман деган мамлакатлари ёшларидан ҳеч ҳам кам эмас. Шу маънода, халқимизнинг, фарзандларимизнинг ўсиб бораётган талабини ўзинида ишлаб чиқарилган замонавий ва сифатли маҳсулотлар ҳисобидан қондириш муҳим вазифа. Мана бундай корхоналарни янада кўпайтириш, истеъдодли, замон талабларига бозор эҳтиёжини чуқур биладиган, яратувчилик қобилиятига эга ёш тадбиркорларимизни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг йўлини янада кенгроқ очиш, қўллаб-қувватлаш лозим.

Оммавий ахборот воситалари орқали ана шундай илгор фикрли ёшларимизнинг бизнесга оид тажрибаларини, эришаётган ютуқларини кенг тарғиб қилиш даркорлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўналиш дунёдаги рақобат энг кучли соҳалардан эканига эътибор қаратар экан, ички бозорда ва жaxon бозорларига муносиб ўрин топиш учун мода устида мунтазам иш олиб бориш зарурлигини қайд этди. Бунинг учун замон нафаси билан яшовчи модельер ва дизайнерларни кенг жалб этиш кераклигини таъкидлади.

«Истиклол» ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилаётганларнинг ақсарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир. Ислоҳ Каримов корхона ишчиларининг ҳаёти, орзу-истаклари, корхонада яратилган шароитлар билан қизиқди.

Президентимиз Япония, Германия каби мамлакатлардан келтирилган замонавий тивувчилик машиналарини маҳорат билан ишлатиб, бежирим ва сифатли кийимлар тикаётган қўли гул ёшларимизнинг салоҳияти, интилишларига юксак баҳо берди. Бу ўзбек ёшларининг ҳеч бир соҳада ҳеч қандам кам эмаслигининг яна бир ёрқин далолати эканини алоҳида таъкидлади.

Ислоҳ Каримов Наманган шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 августда қабул қилинган «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар қиёфаси тубдан ўзгариб, тобора чирой очилмоқда.

Наманган аэропорти ҳудуди ободонлаштирилиб, замонавий суғориш, ёритиш тизимлари ўрнатилди. Аэропортдан Дўстлик шохқўчасигача бўлган йўл, Фарғона ҳалқа йўли реконструкция қилинди ва йўл ўтказгич қурилди.

Шунингдек, Давлатобод маззасидаги «Яшил деҳқон бозори», «Чорсу», «Сардоба» бозорларида ҳам кенг қўламада қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шаҳарда «Камолот» ёшлар боғи, «Кичкинтой» боғи барпо этилди. Нодира номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театри сингари маданият масканларида ҳам катта ҳажмда реконструкция ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳрининг Дўстлик шохқўчасида қурилган йўл ўтказгич билан танишди. Ушбу иншоот қурилиши натижасида шаҳарнинг марказий кўчаларида транспорт воситалари тирбандлиги бартараф этилиб, хавфсиз ва узлуксиз ҳаракат таъминланди. Шунингдек, бу ерда пиёдалар учун йўлақлар, ўтиш йўллари, ёритиш тизими ва замонавий бекатлар барпо этилди.

Мазкур лойиҳанинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Андижон-Тошкент йўналиши бўйича қатновчи транспорт воситаларининг Наманган шаҳри маркази орқали ҳаракатига барҳам берилиб, айланма йўлга кўчирилди.

Президентимиз қурилиш-ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни янада тақомиллаштириш юзасидан мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Ислоҳ Каримов Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуасида ёшлар билан мулоқотда бўлди. Президентимиз бу ерда бокс, стол тенниси, бадий гимнастика, қўл тўпи, сузиш билан шугулланаётган спортчилар билан суҳбатда фарзандларимизнинг халқроқ мусобақаларда эришаётган муваффақиятлари барчамизга гуруҳ ва ифтихор бахш этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, фарзандларимизнинг замонавий билимларни эгаллаш борасидаги интилишларига оид фикр-мулоҳазалар Президентимизнинг шаҳардаги «Ёшлар маркази»да бир гуруҳ иқтидорли ёшлар билан суҳбати чоғида ҳам давом этди.

Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир, — деди Ислоҳ Каримов. — Энг муҳими, сиз кимнинг, қандай эюк зотларнинг авлодлари эканингизни доимо чуқур ҳис этиб, улуг аждодларимизга муносиб бўлишга интилиб яшашингиз даркор.

Президент Ислоҳ Каримов Наманган шаҳар ҳокимлигида вилоят фаоллари билан учрашди.

Мулоқот чоғида вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури, вилоятда саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид Президент қарорларининг ижроси мувоҳама қилинди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов шу кун Андижон вилоятига келди.

Истиклол йилларида халқимиз эришаётган бетимсол ютуқларда Андижон аҳлининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир доғони андижонликлар ҳаётида ҳам улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари билан тарих зарварқабига муҳрланмоқда.

Андижон вилоятида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг гоёси ва ташаббуси билан бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Шаҳар ва кишлоқлардаги ободонлаштириш ишлари, бунёд этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва раво йўллар, боғ ва хиёбонлар вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб, аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 11,7 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотига кичик бизнес субъектларининг улуши 45,9 фоизни ташкил этди.

Президентимиз Андижон тумани Ўрикзор маҳалласида кад ростлаган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар билан танишди.

Ушбу туманда жорий йилда замонавий лойиҳалар асосида иккита янги массив бунёд этилаётди. Жумладан, «Хорту» кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ўрикзор маҳалласида қуриб битказилган 82 шинам уй Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

— Бундай янги замонавий уйларида яшаётган ҳамюртларимизнинг тўқис ҳаётини кўриш кишига катта қувонч бағишлайди, — деди Президентимиз. — Ўзи яшаётган жойни обод қилиш халқимизга хос сифатлардир. Ота-боболаримиз қадимдан бундай турмуш тарзини қут-баракат белгиси, мустаҳкам оила қадрлати сифатида қадрлаган. Бундай эзгу ишлар ҳозир ҳам замон талабларига мос равишда давом эттирилмоқда.

Ислоҳ Каримов янги уй-жойлардан бирида — «Омад-97» фермер хўжалиги раҳбари Омадхон Ҳомидова хонадонидан бўлиб, у ердаги шароит, қулайликлар билан танишди.

— Илгари бундай чиройли ва шинам, барча шароитларга эга уйлар фақат Европа мамлакатларида бўлади, дея ўйлардик, — деди Омадхон Ҳомидова. — Мустақиллигимиз шарофати билан биз ҳам мана шундай замонавий уй-жойларда яшаш имкониятига эга бўлдик. Янги уйимизда ҳамма шароит бор. Шу вақтга «Бизга шуниси ҳам бўлаверди, кишлоқчилик-да», деб калта ўйлаб юрган эканмиз. Юртбошимизнинг сая-ҳаракатлари билан аслида ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун эканини чуқур ҳис этдик. Энди бизга Европадагилар ҳавас қилса арзийди.

Давлатимиз раҳбари уйлارнинг қурилишида энг кичик деталарни жойлаштириш ҳам инобатга олинганини юксак баҳолади.

— Кишлоқларимизда ҳам турмуш тарзи ва маданияти беқиёс даражада юксалмоқда. Халқимиз мана шундай ҳеч қандам кам бўлмаган шарт-шароитда яшашга тўла ҳаққидир, — деб таъкидлади Ислоҳ Каримов.

Янги маҳаллада кўркам уй-жойлар билан бирга ижтимоий-маданий, тиббий, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳа объектлари ҳам барпо этилди. Маҳалла аҳли табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, транспорт ва коммуникация хизматларидан баҳраманд бўлмоқда. Бу ерда қад қўтарган болалар мусика ва санъат мактаби ҳам ўйил-қизлар учун муносиб тўхфа бўлди.

Ислоҳ Каримов Андижон шаҳрининг янгидан барпо этилган Ўзбекистон кўчаси ва унда қад ростлаган замонавий бинолар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 18 июнда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Андижон вилоятидаги турар-жой даҳаларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида вилоятда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттириляётди. Мазкур қарор асосида ўтган қисқа давр ичида фақат Андижон шаҳрининг ўзида 1200 дан зиёд турар-жой, савдо, ишлаб чиқариш ҳамда маданий-маиший объектлар барпо этилди. Андижоннинг бугунги жамоли, кўрки ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

— Андижон ўзига хос шаҳарсозлик анъанасига, ўз қиёфаси эга бўлиши лозим, — деди давлатимиз раҳбари. — Хар бир йўлни қуриш, реконструкция қилишда автоматизирован ҳаракатланиши ва уларнинг йилдан-йилга кўпайиб боришини ҳисобга олиш зарур. Бу борада Ўзбекистон кўчасининг қурилиш лойиҳаси нафақат Андижон, балки бошқа вилоятларимиз шаҳарлари учун ҳам яхши намуна бўла олади.

Юртбошимиз шаҳардаги транспорт воситаларининг ҳаракатини янада тақомиллаштириш, аҳолининг савдо ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидан фойдаланишлари учун янада кенгроқ шароит яратиш, қўчаларни ободонлаштириш ва кўламадорлаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Буларнинг барчаси халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг юксак самаларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Олим ТўРАКУЛОВ,
Хусниддин БЕРДИЕВ,
Акрон САТТОРОВ,
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Маърифат фидойиларига юксак эҳтиром

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

Тадбирда юртимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг илгор ўқитувчилари, фидойи мураббийлар, талабалар, турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танловининг жорий йилги ғолибларига «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони ва эсдалик совғалари топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳридаги 230-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Хулқар Эгамбердиева, Учтепа тумани «Учтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухторжон Илхомов, шоира Гулчехра Жўраева таълим-тарбия, маънавият ва маърифат соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ёшларни Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидладилар. Ўқитувчилик касбининг эъзозлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, муносиб меҳнат шароитини яратиш юзасидан кўрсатаётган улкан эътибор ва гамжўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.
Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат



Пленум
Вазифалар белгиланди
Хоразм вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, қасаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар ва уларни амалга ошириш борасида ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирди.
Пленумда ташкилий масала кўрилди. Раҳимберган Матрасулов нафақага чиққанлиги муносабати билан лавозимидан озод қилиниб, Бекнобой Матқубов Хоразм вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси этиб сайланди.
Йиғилишда Хоразм вилояти ҳокими Олдарберган Олдарберганов, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров иштирок этди.
ЎЗ мухбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Раҳматова Мохира Хикматовна — Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Скоромкина Ирина Ивановна — Навоий кончилиқ касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Холматова Нурия Ўтаевна — Жиззах туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Худайкулов Холбозор Ярманович — Ширин энергетика ва машиини хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Чориева Марзия Баймухаметовна — Термиз туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Эргашева Барно Яхяевна — Китоб туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизimini замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун куйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Бозоров Абдуғани — Қизилқум туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Умиркулова Саида — Оқдарё туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Якубов Бахтиёр Далиевич — Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахимова Мавлуда Олимовна — Пешку саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Алибаева Рано Ғиёсовна — Мирзаобод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

Алланазарова Барчин Ражабовна — Шеробод тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Артиқова Шарофат Махкамовна

— Чирчиқ шаҳар саноат-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг иқтисодиёт асослари фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Базарова Мавжуда Шадиёвна — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Бекназарова Лизахан Зайтовна — Қораўзақ туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Джурбаева Жамила Зулпоновна — Жиззах шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Зокиров Фарход Убайдуллаевич — Навбахор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Навоий вилояти

Камалова Дилдорахон Эргашбаевна — Андижон машинасозлик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Назаров Азбиддин — Қўшработ туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Махмудова Муборак — Қўшқўпир туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Тошматов Муродилбой Машрабович — Фаргона саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Ходжаева Махтума Зиятовна — Учтепа туманидаги 287-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Юсупов Икрамжан Низамидинович — Учқўрғон туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Бегмуродова Ойдин Хуррамовна — Қарши тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Даулетбаев Курбанбай Аманликович — Нукус туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Садиков Хикмат Исакович — Бухоро вилояти 5-олимпиада захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Бухоро вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуазимова Зилайха Исиргановна — Сардоба туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси,

Сирдарё вилояти
Абрамова Татьяна Владимировна — Қарши шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Атагельдиев Кенжебай Абдиевич — Беруний туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Атаджанов Юсупджон — Қўқон нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Ишчанова Норгул Машарибовна — Шовот қурилиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Қосимов Ғайбулло Мухаматович — Жондор туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Литвинова Ольга Ивановна — Ҳамза туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

Наматова Мавлюда Ураловна — Зарбдор туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ниязова Адолат Абдурахмоновна — Денов қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Нурбаев Нурмахамбет Сарсеневич — Бўстонлик туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Тошкент вилояти

Хадиев Шухрат Мардонович — Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежи директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

Хамралиев Зоҳиржон Сотиболдиевич — Наманган қурилиш ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Цой Галина Тимофеевна — Бўз туманидаги 26-ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

Шерхалов Кучкар Хусанович — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Авазов Саидали Эргашевич — Сароисеб туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сурхондарё вилояти

Алиева Оминахон Сотиволдиевна — Аска туманидаги 16-кўзи ожиз

болалар махсус мактаб-интернати-нинг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Аманбоев Боходир Иргашбоевич — Бобўвот қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сирдарё вилояти

Артиков Алишер Абдуллаевич — Сайхунбод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи, Сирдарё вилояти

Асронов Акмалжон Адхамович — Аска автомобилсозлик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ахмаджанов Абиджон Абдуллажонович — Жалолқудуқ туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийи, Андижон вилояти

Ахмедов Шухрат Юсупович — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ачилова Фароғат Атабаевна — Хонка туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Бекчанова Наргиза Наримоновна — Урганч туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Бердикулов Баходир Абдуллаевич — Данғара туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилиқ фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Воҳидова Назоқат Шариповна — Шахрисабз туманидаги 78-умумий ўрта таълим мактабининг психологи, Қашқадарё вилояти

Ембергенов Музапбар Нсанбаевич — Нукус маданият ва санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жобборова Гулнора Бекановна — Янгиариқ туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Жураев Хусан Ғайзуллаевич — Иштихон туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Зойиров Субхон Разақович — Шофиркон туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Зокирова Дилхумор Турғуновна — Тошлоқ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Исақджанов Аҳаджон Исмаилович — Наманган давлат университети қошидаги академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Исмаилова Зулфия Жумановна — Арнасой туманидаги 22-умумий

ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Исоқбоев Акрамжон Аҳмаджонович — Чортоқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг физика ва информатика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Кадирова Миуагуль Генжебаевна — Тахياتош политехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримова Бибихол Хайруллаевна — Термиз шаҳридаги 12-мехрибонлик уйи мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Каримова Ҳосият Қудратовна — Қамаш туманидаги 72-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каюмова Зухриниса Рашидовна — Юнусобод туманидаги 498-мактаб-гача таълим муассасасининг мусика раҳбари, Тошкент шаҳри

Кенжаева Яхшигул Абдурахимовна — Навоий техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Навоий вилояти

Кутлиева Зебо Қулиевна — Вобкент туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Минибаева Саня Сабировна — Бекобод шаҳар саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Муминов Баҳадир Курбаналиевич — Ангрэн кимё саноати касб-хунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Муратбекова Рамзия Хайриевна — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мухаммадиев Алишер Далиевич — Яқкабоғ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мухаммадиева Гулзада Ишмуратовна — Жарқўрғон туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Назарова Инаятхан Джалаловна — Олмалиқ шаҳар саноат касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Назарова Фатима Шариповна — Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 2-академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Очилова Райима Махмудовна — Кармана туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Расулова Феруза Юсуповна — Сергели туманидаги 21-болалар мусика ва санъат мактаби дўтор синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Саваева Рислиғи Жумановна — Наманган туманидаги иқтисодиёт коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Салимова Бувробия Сапаровна — Зафаробод агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежининг биология фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Сатторов Холдор — Қўштепа туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Сатибалдиев Бахтияр Махмудович — Олмазор политехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Сейтмуратова Лалагул Генжемуратовна — Чимбой туманидаги 8-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Султонова Сайёра Дилмуродовна — Поп тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Умарова Машрабхон Аҳмадовна — Яқкасарой туманидаги 144-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Урунбаева Шахло Шералиевна — Уртачирчиқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Урунов Ортик Уматович — Булунгур маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Усмонова Арофатхон Мадаминовна — Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Хасанова Насиба Мелисовна — Пайариқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ходжиева Ойгул Қадировна — Марғилон енгил саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Худайбердиев Акмал Иноятович — Қорақул саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Бухоро вилояти

Эргашов Кароматилла Тўхтаевич — Касби туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2011 йил 29 сентябр

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши

Умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан йўли эзгуликка туташ
устозларни самимий муборакбод этади.

Ёш авлоднинг жисмонан етук, юксак маънавиятли, илм-фан, касб-хунар сирларини пухта
эгаллаган инсонлар бўлиб вояга етишишида муносиб ҳисса қўшаётган тармоқ ходимларига
мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, келгуси фаолиятларида омад ва зафарлар тилайди!



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин



Болалар қалбига йўл топиб..

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари эзгу мақсадга — юрт тараққиёти, эл фаровонлигига қаратилган бўлиб, айниқса, фарзандларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликдан кўнгил тоғдек ўсади.

Келажакка масъулмиз

Мақтаб таълимиди, ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури доирасида олис ва тоғли туманимизда 6 та мактаб янгидан қурилади, 48 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 18 та мактаб капитал таъмирланди. Ўтти йил аввал туманимиз мактабларида атиги 5 та спорт зали бор эди, айни пайтда улар сони 41 тага етди. Барчаси 32 турдаги спорт жиҳозлари билан таъминланди. «Оқтош ҚФЙ» худудида янги, намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жой массивида 210 ўринли янги мактаб биноси янги ўқув йилида фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 17-, 52-мактабларда янги спорт зали қурилиб, ишга туширилди.

Ўқувчиларнинг бундан беш йил муқаддам таълим олиш имконияти яратди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабимиз янги бинога эга бўлди. Унда гимнастика залининг очилиши ўқувчи қизларнинг нафис спорт тури билан мунтазам шугулланиши учун имконият яратди.

Абдуазизхон ЗИКИРЯЕВ, Бахмал туман ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири

Наманган шаҳридаги 60-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, халқ таълими аълочили Сайда Аҳмадалиева чукўр билим ва маҳорат эгаси, болалар қалбига йўл топа биладиган қунончак мураббий сифатида ҳамкасблари ўртасида хурмат-эътибор қозонган.

Ўқувчи-ёшларга Миллий истиқлол гоёси ва маънавий асослари фанидан сабоқ бериб келаётган бу муаллима 2009 йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танловидида совринли ўринни эгаллаган. 2010 йили Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Шухрат» медали билан тақдирланган. Касбига бўлган юксак меҳр ва заҳматли меҳнат эъзаига қўлга киритилган мана шундай салмоқли

ютуқлар С.Аҳмадалиеванинг ўзига бўлган ишончини ошириб, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда. Шу боис унинг шогирдлари вилоят ва республика кўрик-танловларида, фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. С.Аҳмадалиеванинг айтишича, ҳар бир бола — бир олам. Унда ўқишга ҳавас ва интилишни ошириш, қобилиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш ўқитувчининг

салоҳиятига, ирода ва масъулиятига боғлиқ. Болаларимизни ёт гоё ва кучлар таъсиридан асраб, уларнинг маънавиятини юксалтириш долзарб аҳамият касб этаётган бугунги шароитда ўқитувчининг масъулияти янада ортади. С.Аҳмадалиевани янада изланишга ундаётган асосий омили ҳам, келажак авлод олдига янги шукўр масъулият туйғусидир.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Фарзандлар камолоти йўлида

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси фарзандларимизга умумий таълим билан бирга замонавий касб-хунарларга эга бўлиш имконини ҳам беради.

Янги тизимга ўтиш жараёнида туманимизда 11 та мактаб реконструкция қилинди, 12 таси капитал ва 15 таси жорий таъмирланди. Кишини руҳлантирадиган бундай ишлар замирида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, саломатлиги, оиласи учун алоҳида эътибор турганини пайқаш қийин эмас.

Тизим муассаса ва ташкилотларида ижтимоий шериклик тамойилларининг қарор топиши аъзоларнинг меҳнатга, шахсий ҳаётига оид ва бошқа манфаатларини ҳимоялашда нафақат касоба уюшмасининг нуфузини оширди, балки бозор иқтисодиётини ҳамда жадал ислохотлар шароитида самарали ишлашда уни маъмуриятга ҳамкор, шерик сифатида яқинлаштирди.

Юридик мақомга эга бўлган 66 та

бошланғич ташкилотда жамоа шартномалари ташкилот раҳбари ҳамда касоба уюшма кўмиталари ўртасида белгиланган тавсияларга асосан жойлардаги имкониятлардан келиб чиққан ҳолда тузилмоқда. Мухими уларнинг бажарилиши назоратга олиниб, ҳар бир банд бўйича тегишли чоралар кўриломоқда.

Туман бирлашган касоба уюшма кўмитаси томонидан фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш, аъзо ташкилотларимизда қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланишини таъминлашга кўмаклашиш, ҳуқуқий мавзуга оид тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш, семинар ҳамда давра суҳбатлари ўтказишга эътибор кучайтирилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Биргина кейинги беш йил мобайнида кўмитамизга келиб тушган жами 1652 та ёзма ариза ва шикоятлардан 1548 таси аризалар фойдасига ҳал қилинди. 592 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. 860 та озғак муурожаатларга тушунтиришлар берилди. 6 нафар ходимнинг масаласи ижобий ҳал этилиб, 4 нафар ходимга ҳуқуқий йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Касоба уюшмаларининг умумий мавқеи кўп ҳолларда бошланғич ташкилотлар обрўсига боғлиқ. Шунинг учун бошланғич касоба уюшма ташкилоти ролини ошириш, касоба уюшма соҳасига ташаббускор, иш-жоятли кадрларни жалб этиш бирлашган кўмитамизнинг доимий диққат марказида.

Шавкат ҚУДАТОВ, Ромитан туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касоба уюшма кўмитаси раиси

Касбга садоқат



Тошкент педагогика билим юртини тугатган Ўқтамжоннинг орзуси ушалди. Дўстлик туманига келиб 17-умумтаълим ўрта мактабидида чўлини ўзлаштирувчиларнинг ўғил-қизларига дарс бера бошлади. Ўқитувчилик касбининг сир-асрорларини устоз — Халқ таълими аълочили Абдулаҳад ҳожи Уразбоевдан ўрганди. Ёш муаллим ишини синфхонасини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашдан бошлади. Янги кўргазмалар яратиб, паст ўзлаштирувчи ўқувчиларни ҳам илгорлар сафига қўшиш учун астойдил ҳаракат қилди. 600 дан зиёд кўргазмали қуроллар тайёрлади. Унинг елиб-югуришлари натижасида DVD дискларга ёзилган турли машғулот ва эртақлар тўпламлари кўпайиб борди.

Тинимсиз интилиши, касбига бўлган садоқати туфайли жамоа аъзолари ҳамда ота-оналари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Иқтидорли педагог ўттиз олти йилдирки, қўтлуғ даргоҳда болажонларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Биргина ўтган 2010-2011 ўқув йилида 4-«А» синфидаги 22 ўқувчининг 13 нафари аъло, 7 нафари яхши баҳолар билан ўзлаштиришга эришди. Иқтидорли ўқувчи Шахноза Абдуғафорова Республика ёш ижроичилар санъат кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллади. Шахноза Усмонова эса ҳуснатли бўйича, Гулноза Икромова ва Рустам Мамадалиев математикадан вилоятда ўтказилган кичик олимпиадада голиблари бўлишди.

Олий тоифали педагог Ўқтам Хайитбоев вилоят ва туман ма-

орифчилари кенгашида қизиқарли суҳбат ва маърузалари билан қатнашиб келаяпти. Айниқса, «Бошланғич синфларда саводхонликни ошириш», «Ўқувчиларда мустақил фикрлаш малакасини ўстириш», «Ўқувчилар ўртасида ягона орфографик талаб» каби мавзулардаги маърузалари кўпчиликлари манзур бўлди. «Шухрат» медали соҳиби Ўқтам Хайитбоев таълим-тарбия берган ўқувчилари бугун минг

нафардан ошди. У Халқ таълими вазирлиги, халқ таълими вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ҳокимиятининг фахрий ёриқлари билан тақдирланган.

Турмуш ўртоғи Тамара Хайитбоева кўп йиллар бошланғич синфларга дарс берган. Ҳозир нафақада. Қизлари Дилфуза ва Сайёра ҳам ўқитувчилик касбинини улуғлаб келмоқда. Педагоглар оиласига «Наврўз» маҳалласининг катта-ю кичиги ҳавас қилишади. Қалби дарё, юзларидан нур ёғилиб турувчи педагогининг ёш авлод иқболи йўлида эришган муваффақиятлари унинг ўз касбига садоқати ва фидойилиги туфайлидир.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

Жамият, устоз ва баркамол авлод

Шарқда устозлар ва уларнинг меҳнатига эътибор ҳамма вақт юқори бўлган. «Ота меҳридан афзал устоз жабири», «Устоз отангдек улуг» каби ҳикматлар устозга эҳтиром рамзи сифатида айтилган. Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асаридида ўқитувчи меҳнатининг машаққатлари ҳақида шундай дейди:

«Шогирд агар шайх ул-ислом, агар-қозидур, Агар устоз андин розидур — Тенгри розидур». Ўқитувчи ва мураббийлар учун Навоийнинг бу мезонларини ҳаёт ҳақиқати, десак янглишмаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўқитувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

«Таълим тўғрисида»ги қонунда педагогик фаолият билан шугулланиш ҳуқуқи ҳақида «Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шугулланиш ҳуқуқига эга... Педагогик фаолият билан шугулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шугулланишга йўл қўйилмайди.» — деб эътироф этилиб, ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳр-мурувватли, ахлоқли, одоли, юксак фазилат соҳиблари бўлишига жиддий эътибор қаратилган.

Сўнги йилларда педагог-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оиласи, фарзандларининг соғлиқларини тиклаш, меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ижодий меҳнат қилиш, маънавий, моддий рағбатлантириш ва бошқа имтиёзлар яратиш борасида Таълим ва фан ходимлари касоба уюшмаси томонидан мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Санаторий-профилакторийларга олдин беш йилда бир марта йўлланма ажратилган бўлса, ҳозирги кунда уч йилда йўлланма билан оилавий даволашни имконияти яратилди.

Ўқитувчилар малакасини ошириш тизими таҳсиллантирилди. Ҳар бир ҳудуддаги педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта-тайёрлаш институтларида бепул педагогик ва методик ёрдам олиш имконияти яратилди. Иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчилик-

нинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармасиди масофадан ўқитиш, профессионал тренинглари, илғор технология ва усқуналардан фойдаланишда мураккаб фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилмоқда.

Юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати юксак кадрланади. 1997 йилдан бошлаб 1 октябр санаси «Ўқитувчи ва мураббийлар кунин» умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Бу байрамнинг маъно-моҳияти Юртимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридида кенг очиб берилган:

«Биз юртимизда 1 октябр санасини Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини сифатида умумхалқ байрами деб эълон қилганимизнинг чукўр маъносини бор, албатта. Бу байрам аввало ўзининг билим ва таҳрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб кўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат йўлида беминнат ҳизмат қиладиган устоз ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат-эҳтирмининг яққол намунасиридир.»

Таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳодимлардан бир қанчаси «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирлангани юртимизда таълим соҳаси ҳодимларига ҳурмат ва эҳтирмининг ифодасидир. Шунингдек, педагоглар орасида фахрий унвон ҳамда «Эл-юрт хурмати», «Фидокорона хизматлари учун», «Меҳнат шухрати», «Соғлом авлод учун», «Дўстлик» ордени, «Шухрат» медали соҳиблари сони йилдан йилга ортиб бораётгани қувончлидир.

Акрам АКМАЛОВ, педагогика фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими. Олер ТАЖИБЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касоба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Бу билим юртдан ҳар йили 40-50 нафар халққаро ва республика танловлари голиблари етишиб чиқади. Уни ҳозиргача 3 мингга яқин ўқувчи тамомлаган бўлса, шулардан 55 нафари давлат мукофотлари, 15 нафари «Ниҳол» мукофоти совриндори бўлишган. 17 нафар халқ артисти, хизмат кўрсатган артист, санъат арбоблари, халқ ҳофизлари таълим берадиган масканда муслиқнинг 9 йўналиши: торли, камонли, дамла-зарбли чолғулар, фортепиано, халқ чолғулари, эстрада, хор дирижёрлиги, анъанавий ижрочилик, хонандлик бўйича тахсил олиш мумкин. Бу қайси даргоҳ экан, деб қизиқаятандирсиз?

Ўқувчилар аргофига

Таърифлаётганимиз, Р.Глиэр номидаги Республика махсус муслика академик лицейидир. Муслика, муслика руҳий ва маънавий оламида бийотида, инсонни тарбиялайди, гузаллик ва эзгуликка ошно этади. Шу сабабми, юртимизда муслика билим юртларига эътибор кучли. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар муслика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ маъмур академик лицейда ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқувчилар қўлга киритаётган ютуқлар эса Ўзбекистон номини бутун дунёга ёвэтир. Бунда заҳматкаш, фидойи, жонқур устоз-мураббийларнинг хизмати катта, албатта. Шундайлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор Жаҳонгир Ибрагимовдир.

Утган ўқув йилининг ўзида лицейимизнинг 30 дан ортиқ ўқувчиси турли халққаро ва республика танловларида голиб бўлишди, — дейди қувонч билан мураббий. — Улар орасида менинг ўқувчиларим ҳам борлигидан фахрланаман. Масалан, шу йили Малика Анорматова, Муроджон Турсунбоев Италиянинг Барлетта шаҳрида ўтказилган «Citta di Barletta» XXI халққаро камонли-торли чолғулар танловида қатнашиб, ҳар иккиси ўз йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга ки-

ритишди. Самарқандда бўлиб ўтган XXI Республика муслика танловида Қудрат Акбаров муслика, Жаҳоир Учиров иккинчи ўринни эгаллади. Италиянинг Сант-Барламе шаҳридаги «Premio Rovere d'Oro 2011» халққаро пианиночилар ва камонли-торли чолғулар танловида ўқувчим Дилшод Нарзуллаев олий ўрин — гран прига муносиб топилди. Ҳатто ҳайбат аъзолари ҳам унинг ижросини ўриндан туриб, «браво» деб олқишлади. Хали олдимизда кўп-кўп танловлар бор. Уларга ҳам пухта тайёрланиб, ёшларимиз истеъдодини жаҳон аҳлига намойиш этишга ҳаракат қиламиз.

Устоз фахр билан тилга олган ўқувчилардан бири Дилшод Нарзуллаев 1997 йил Навоий шаҳрида туғилган. 2007 йил маъмур академик лицейга виолончел мутахассислиги бўйича Жаҳонгир Ибрагимов синфига қабул қилинган. 2008 йил Қозоғистоннинг Ақтубе шаҳрида бўлиб ўтган «Классика» танловида 2-ўринни эгаллаган. 2011 йил эса гран при!

— Устозим «муслика қалб озиғи, у сабр-тоқат, матонатга ўргатади, диллардан губорларни тозалайди», — дейди Д. Нарзуллаев. — Тўрт йилдан буён Жаҳонгир Ибрагимовдан виолончел чалишини сир-асрорларини ўрганиб келаямман. Шундай натижаларга эришишимга сабаб бўлган устозимнинг сабоқлари учун жуда миннатдорман.

Шоҳсанам НИЁЗОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши

Меҳрибон устозларни, жонкуяр муаллимларни

1 октябр – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Билан самимий табриклайди.

Шоғирлар камолини кўриб юрши

Бахти ҳар бирингизга насиб этсин.



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

*Ёш авлодни камол топтиришда фидойилик кўрсатаётган
устоз-муаллимларни, олиму зиёлиларни, санъат ва
маданият аҳлини Ўқитувчи ва мураббийлар куни
муносабати билан қизгин муборакбод этади.*

*Қутлуғ айёмда уларга мустаҳкам соғлик, хушкайфият,
оилавий бахт-саодат, ишларида муваффақиятлар
ҳамиша ёр бўлишини тилайди.*

*Қалбингиздаги ишонч, эзгулик ҳеч қачон сўнмасин, умрингиз
маърифат нуриддек ёруғ ва безавол бўлсин.*

Байрамингиз муборак, азиз устозлар!



*Ола-ида кўри эрур муборак онлар,
Жабарруқ зотлар салм сабранинг кўри эрур.
Сизгадир илм раҳмат, азиз ишончлар,
Муноси муаллимлар, Сизга ташаккур.*

Касаба уюшма конференциялари

Бирлашган ўзар

**Таълим, фан ва маданият ходимлари
касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Респуб-
ликаси кенгашининг биринчи конференция-
си бўлиб ўтди.**

Унда сўзга чиққан таълим ва фан ходимлари ка-
саба уюшмаси Қонлиқул туман бирлашган кўми-
таси раиси Қуролбой Абдукаримов, Тўртқул туман
бирлашган кўмитаси раиси Маҳмуд Адеков, Нукус-
даги 6-сон умумтаълим мактаби бошланғич таш-
килот етакчиси Нуржамол Алламуратова, Кеғейли
туман маданият ва спорт ишлари бўлими маданият
уйи директори Амина Султонова ва бошқалар гал-
даги вазифаларга тўхталиб, касаба уюшмалари-
нинг мавқени янада мустаҳкамлаш, аъзолик аф-
залликларини асослаш тадбирларини кучайтириш
каби масалалар юзасидан таклиф ҳамда мулоха-
заларини билдирдилар.

Рустам Абдураҳмонов таълим, фан ва маданият
ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши раиси қилиб сайланди.
Конференцияда, шунингдек, кенгаш ва назор-
ат тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда рес-
публика касаба уюшма ташкилотлари бирлаш-
маси кенгашига вакиллар сайланди. Тармоқ
куйи бўғинларида конференциялар ўтказиш

бўйича ташкилий кўмита таркиби тасдиқланди.

Худди шундай конференция Хоразмда ҳам
бўлиб ўтди. Унда вилоят халқ таълими
бошқармаси бошлиғи Эргаш Худойназаров,
«Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда»
газеталари бирлашган тахририяти бошланғич
касаба уюшма ташкилот раиси Оллаберган
Ражабов, Шовот туман бирлашган касаба
уюшма кўмитаси раиси Шўхрат Юсупов ва
бошқалар бирлашнинг молиявий ва
маънавий аҳамияти ҳақида гапирдилар.
Муяссар Раҳимова таълим, фан ва маданият
ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ра-
иси этиб сайланди.

Тармоқ касаба уюшмаси кенгаши ҳамда таф-
тиш комиссияси аъзолари, вилоят КҮТБ таркибига
вакиллар сайланди. Туман, шаҳар, вилоят ўрта-
маҳсуус касб-хунар таълими органларини шаклан-
тириш бўйича жойларда конференциялар ўтказиш
юзасидан ташкилий кўмита таркиби тасдиқланди.

Муҳаббат ТҮРАБОВА,
«Ishonch» мухбири

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очiq аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг
2011 йил 21 сентябрдаги 115 ау-ПО-сонли буйруғига асосан, Мерос қилиб қолдириш ҳамда умрбод ағалик қилиш
ҳуқуқи билан фуқароларга аяқ тартибда уй-жой қуришлари учун (сотилиш ҳуқуқисиз) сотилиши белгиланган, Тош-
кент шаҳар, Ҳамза тумани, Янгилик кўчаси ҳудудига жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 га дан иборат бўлган
10 та ер участкалари қўйилмоқда.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 2 574 000 сўм.
Аукцион савдоси 2011 йилнинг 31 октябр куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Талабгорлар
диққатига! Мазкур ер участкалари 2011 йилнинг 31 октябрда сотилмаган тақдирда такрорий аукци-
он савдолари 10 ва 24 ноябр кунлари соат 11:00 да бўлишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларини қабул қилиш аукцион савдосига уч кун
қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлардан буюртмалар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 16-«а» уй манзилида
қабул қилинади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзо-
лаш, тўланган закатал микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан кам бўлиб қолган тақдир-
да етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари оқлатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувига асо-
сан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда закатал пулани «KMSX» МЧЖ Тошкент
шаҳар филиалининг ОАИКБ «Ипак йўли» Сағбон филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:
2020800020492060919, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказилмаган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 16-«а» уй. Веб сайт:
www.1kms.uz. Электрон почта манзил: leftsavdo@inbox.uz. Тел: (+99871) 233-23-49. Лицензия: RR-0001.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилмаган очiq аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран «Узсанотқурилиш-
банк» ОАТБ Бошқарувининг 09.06.2011 йилдаги 70/2-
сонли қарорига асосан, «Узсанотқурилишбанк» ОАТБ
Ал-Хоразмий филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Чи-
лонзор-30, 16-«а» уй манзилида сақланмаган «Дамас-
русумли, д/р 01/348WAA бўлган, 2003 йил и/ч авто-
транспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси —
10 518 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 17 октябр куни
соат 11:00да бўлиб ўтади.**


Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт
воситалари 2011 йил 17 октябрдаги аукцион савдо-
сида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаси-
нинг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 20 ва 24 сен-

тябр кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан
маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгор-
лардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига
бир соат қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар
савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закатал кели-
шувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи-
дан кам бўлмаган микдорда закатал пулани «Respublika
mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағ-
бон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт:
20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850,
Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш 1 кўча-
си, 1-«А»-уй. Телефон: 228-79-52.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши



Келажакимиз эгалари бўлмиш арзандаримизга таълим-тарбия бериб келаятган устоз ва мураббийларни касб байрами билан табриклайди. Булок ва мустақил Ватанимизга муносиб мутахассислар тайёрлашдек шарафли ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин. Барчангизга бахт-саодат, келажакдаги ишларингизда улкан зафарлар тишаймиш!

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Жонажон юртимизда фаолият кўрсатаётган барча ўқитувчи ва мураббийларни 1 октябр – касб байрами билан табриклайди. Масъулиятли ва шарафли ишларингизда доимо омад ва иқбол ёр бўлсин. Дилангизни қут-барака, фаровонлик, тотувлик асло тарк этмасин. Ҳамиша элда азиз, ҳурматга лойиқ бўлиб юринг!



Тошкент вилоят касаба уюшма ташкilotлари бирлашмаси кенгаши


Фарзандларимизга таълим-тарбия бериб келаятган барча устозларни, муаллимларни 1 октябр – Ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан қизгин қутлайди. Дилангизни бахт, тинчлик-хотиржамлик, қут-барака тарк этмасин!



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси

*Ўйли эзгуликка туташ устозларни, меҳридарё
мураббийларни касб байрамлари билан
саломий муборакбод этади.*

Таълим тизимида фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча ўқитувчиларга мустаҳкам соғлиқ, шарафли ишларида муваффақиятлар тилайди. Фарзандларимизга таълим беришдек машаққатли меҳнатингиз ўзининг ширин мевасини бериб, дилингизни хушнуд этаверсин. Эл-юрт олқишига сазовор бўлиб юришдек бахт ҳамisha сизларга ёр бўлсин.



«Талимаржон иссиқлик электр станцияси»

унитар корхонаси маъмурияти
ва касаба уюшма қўмитаси

Барча устоз ва мураббийларни
1 октябр — касб байрамлари
билан қизин табриклайди.



Фидойи
муаллимларимизнинг
шарафли ва масъулиятли
ишларида омад
ёр бўлсин. Бахтимизга
доимо соғ бўлинг, азиз
мураббийлар,
меҳрибон устозлар!

Вазирлар Маҳкамасининг «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фуқаролар ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг амалдаги ифодасидир.

Таксида пластик карточка билан

Корорга асосан «Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари, уларнинг ишларини ташкил этишга қўйилмаган талаблар тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган. Низомда йўналишсиз таксиларни ташкил қилишга ва ички маълумотлар билан жиҳозланиши, ҳайдовчиларга, шунингдек, йўловчилар ва уларнинг йўналиши, бағажни ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган энгил автотранспорт воситаларининг барча турларига нисбатан ягона талаблар белгилаб берилган.

Ягона таниш белгилари транспорт оқимида йўналишсиз таксиларнинг ажралиб туришини ва танилишини таъминлайди. Улар йўналишсиз таксиларда йўловчи ташишни амалга оширувчи барча ҳайдовчилар учун мажбурийдир. Автотранспорт воситаларининг давлат рақами белгиси, ҳайдовчининг фотосурати, фамилияси, исми, отасининг исми, иш вақтининг бошланиши ва тугаши, йўлқира қиймати, ташувчининг манзили ва телефон рақами, лицензия картчасининг рақами ва амал қилиш мuddати тўғрисида маълумотлар, ҳисоблагич, радио-

алоқа воситаси, муҳрланган спидометр жиҳозлари, назорат касса машинаси, шунингдек, тўловларни банк пластик карточкалардан қабул қилиб олиш учун ҳисоб-китоб терминали бўлиши каби кўплаб талаблар мавжуд. Ҳайдовчилар йўналишда ишлаётганда тегишли лицензия картчасига ҳамда йўлга чиқилган олдин автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўриқдан ва ҳайдовчи тиббий кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида белгилар қўйилган йўл варакасига эга бўлиши керак. Тошкент шаҳри Учтепа тумани

Солиқ ва ҳаёт

давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан бу борада мунтазам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Шун-

Вақтни ҳам, харажатни ҳам тежайди

Солиқ идоралари фаолиятида турли дастурий таъминот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳисобот ва маълумотлар тақдим қилишда қулайлиқни таъминлайди. Маълумотларни электрон рақамли имзолар орқали топшириш амалиёти ана шулардан биридир.

Электрон рақамли имзонинг асосий афзаллиги солиқ тўловчининг ҳисоботлари сифатли тарзда тақдим қилинишида

кўрилади. Бу усул вақт ва харажатини тежаб қолмай, маълумотлар махфийлигини ҳам таъминлайди. Бундай имзо олиш учун ҳўжалик юритувчи субъект ўзи рўйхатдан ўтган давлат солиқ инспекциясига ариза билан мурожаат қилади. Шунга асосан, унга бир йил мuddатда имзо калити сертификати берилади. У солиқ инспекциясида рўйхатга олиниб, солиқ тўловчига тақдим этилади.

«Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик йили» муносабати билан Қорақўл туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан рўйхатга олинган 40 та ҳўжалик юритувчи субъектга имтиёзли электрон рақамли имзолар берилган. Туманда фаолият кўрсатаётган 885 та ҳўжалик юритувчи субъектнинг 535 тасида электрон рақамли имзо мавжуд. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40,4 фоизга ўсди.

А.ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Қорақўл туман ДСИ бошлиғи

Мирзо Улуғбек санoат касб-хунар коллежи

Таълим муассасасида ўқувчиларни боллом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов ва тендер эълон қилди.
Танловда қатнашадиган юридик шахслар танлов комиссиясига қўйилган ҳужжатларни тақдим этиш лoзиғи.
1. Танлов комиссияси раъси номига ариза;
2. Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганини ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
3. Умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолият, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;
4. Махсус моддий-техник база ва озиқ-овқат технологияси бўйича маълумотнома.
Маъмурий: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-1 мавзеси, 47-уй.
Мирзо Улуғбек санoат касб-хунар коллежи.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бoриш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «AGRO BANK» ОТАБ Бошқарувининг 2011 йил 28 сентябрдаги 71/1-сонли йилгилик қарорига асосан «AGRO BANK» ОАТБнинг «WHITE CHICKENS» МЧЖ устива фондидаги 100 физиклиқ улуши қўйилмоқда:

Корхона жойлашган манзил	Сотувага қўйилган улуш	Бошланғич баҳоси сўм
Фарғона вилояти, Бoғдoд тумани, Дўстлик қишлоғи.	100 фоиз	7 382 989 000

Аукцион савдоси 2011 йил 1 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.
Юқоридаги улуш 2011 йил 1 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 8 ва 15 ноябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтшини олдиндан маълум қиламиз.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.
Маъмур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RESPUBLIKA MULK MARKAZI»нинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалдаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»-уй. Тел: 228-79-52. www/rmbk.uz.

